

## **ШАҲАРЛАРНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭКОЛОГИК МАСАЛАЛАР: ҲУҚУКИЙ ЖИХАТЛАРИ**

**Гўзал Шариповна УЗАКОВА**

доцент

юридик фанлар доктори (DSc)

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

[g.uzakova@tsul.uz](mailto:g.uzakova@tsul.uz)

### **Аннотация**

Мақолада шаҳарларни барқарор ривожлантириш мақсадини амалга ошириш жараёнида ҳал этилиши зарур бўлган экологик муаммолар таҳлил қилинган. Бунда халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган хужжатларнинг мазмун-моҳияти ўрганилган. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг давлат экологик сиёсати ҳамда очиқ ва барқарор шаҳарларни ривожлантиришга оид миллий қонун хужжатлари нормалари ўрганилиб, уларни такомиллаштириш юзасидан таклиф-тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** барқарор ривожланиш, экологик муаммо, шаҳар экологияси, қулай атроф-муҳит, чиқинди, санитария.

## **ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ В ГОРОДАХ ПРИ УСТОЙЧИВОМ РАЗВИТИИ: ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ**

**Гузал Шариповна УЗАКОВА**

доцент

доктор юридических наук (DSc)

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

E-mail: [g.uzakova@tsul.uz](mailto:g.uzakova@tsul.uz)

### **Аннотация**

В статье анализируются экологические проблемы, которые необходимо решать в процессе реализации целей устойчивого развития городов. При этом изучается содержание документов, принятых международным сообществом. А также были изучены государственная экологическая политика Республики Узбекистан и нормы национального законодательства, касающиеся развития открытых и устойчивых городов, предоставлены предложения и рекомендации по их совершенствованию.

**Ключевые слова:** устойчивое развитие, экологическая проблема, экология города, благоприятная окружающая среда, отход, санитария.

Бугунги кунда дунё аҳолиси ўзига хос мураккаб даврни бошдан кечирмоқда. Бир тарафдан барча давлатлар учун бирдек муҳим бўлган иқлим ўзгариши ва бошқа экологик муаммоларга қарши кураш, очлик ва қашшоқликни бартараф этиш, энергетик хавфсизлик йўлидаги ҳамкорлик

дунёдаги глобаллашув жараёнини тезлаштирса, иккинчи тарафдан иқтисодий манбаатлар тұқнашуви, сиёсий қараптап хилма-хиллиги күп қутбели дунёнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бундай вазиятда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар фаолиятининг аҳамияти ортади. Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ҳамда унга аъзо барча давлатлар томонидан 2015-2030 йиллар давомида амалга оширилиши кўзда тутилган “Барқарор ривожланиш концепцияси” бутун дунё аҳолиси манбаатлариға мос бўлиб, барқарор ривожланиш мақсадларини ўз ичига олган дастур ҳар бир инсон учун фаровон турмуш тарзини яратишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, экологик кўрсаткичларни ўз ичига олади. Барқарор ривожланиш мақсадлари 17 та глобал мақсадни ҳамда улар билан боғлиқ 169 та вазифани ўз ичига олиб, улар инсоният фаровон турмуш кечириши билан боғлиқ барча соҳаларни қамраб олади: 1) қашшоқликни йўқотиш; 2) очликни тугатиш; 3) соғлик ва фаровонлик; 4) сифатли таълим; 5) гендер тенглиги; 6) тоза сув ва санитария; 7) арzon ва тоза энергия; 8) муносиб иш ўринлари яратиш ва иқтисодий ўсиш; 9) саноатлаштириш, инновациялар, инфратузилма; 10) тенгсизликни камайтириш; 11) барқарор шаҳарлар ва қулай яшаш жойларини яратиш; 12) масъулиятли истеъмол ва ишлаб чиқариш; 13) иқлим ўзгаришига қарши курашиш; 14) денгиз экотизимларини асрар; 15) куруқликдаги экотизимларни асрар; 16) тинчлик, адолат ва самарали бошқарув; 17) барқарор ривожланиш йўлида ҳамкорлик.

Таъкидлаш, жоизки, шаҳарларни барқарор ривожлантириш масаласи халқаро ҳамжамият томонидан бир неча бор халқаро конференцияларда кўриб чиқилган бўлиб, бу бўйича халқаро ҳужжатлар мавжуд. Жумладан, БМТнинг Минг йиллик декларацияси (2000 йил), Аҳоли пунктлари тўғрисидаги Ванкувер декларацияси (1976 йил), БМТнинг 1992 йил июнда Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган Атроф-муҳит ва ривожланиш масалалари бўйича конференциясида қабул қилинган XXI аср кун тартиби, БМТнинг Инсон атроф-муҳити масалалари бўйича Стокгольм конференцияси (1972 йил),

шунингдек, БМТнинг уй-жой ва барқарор шаҳар ривожланиши бўйича Хабитат-III конференцияси (2016 йил 17-20 октябрь, Киото, Эквадор) қатнашчилари томонидан қабул қилинган янги шаҳарсозлик дастури – Киото декларацияси шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 83-сон қарори билан “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар” тасдиқланган. Ушбу хужжат билан дастурда белгиланган мақсадлар миллийлаштирилган. 11-мақсад сифатида белгиланган очик ва барқарор шаҳарларни ривожлантириш масаласи ер, экология, шаҳарсозлик, бошқарув билан боғлиқ хуқуқ нормалари орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида бу борадаги вазифалар сифатида 2030 йилгача хавфсиз, арzon, қулай ва экологик барқарор транспорт воситаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, барчага очик бўлган ва экологик барқарор урбанизация кўламини ҳамда аҳоли яшаш пунктларини комплекс ва барқарор режалаштириш, уларни бошқариш имкониятларини кенгайтириш, маданий ва табиий мерос объектларини муҳофаза қилиш ҳамда сақлаш бўйича хатти-ҳаракатларни жонлаштириш, шаҳарлар экологиясининг аҳолига салбий таъсирини камайтириш, бунда ҳавонинг сифатига ҳамда шаҳар чиқиндилари ва бошқа чиқиндиларнинг чиқариб ташланишига алоҳида эътибор қаратиш, шунингдек, шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларида яшил ҳудудлар, истироҳат боғлари майдонини кенгайтириш кабилар назарда тутилган.

Шаҳар мураккаб ижтимоий организм бўлиб, уларнинг йириклишиши, ҳаво ҳавзаси, сув объектлари ва тупроқнинг ифлосланиши, қишлоқ хўжалик ерларининг деградацияси билан биргаликда кечади. Шу муносабат билан, сўнгги йилларда аҳоли пунктларидағи экологик муаммога ва уни ҳал этиш йўлларини излашга алоҳида эътибор талаб қиласиган жиддий муаммо сифатида ёндашилмоқда [3]. Бундан ташқари, кўпгина давлатларда архитектура ва шаҳарсозлик соҳаси ва қонунчилигини экологизациялаш ҳам жуда қийин кечишини таъкидлаш жоиз. Бунда аҳолининг ва экология

соҳасидаги фаолларнинг хоҳиш-истакларидан фарқли ўлароқ, шаҳарлар кўп қаватли туаржой бинолари, деярли иқлим омилларини, кўчаларнинг шовқин таъсирини ва умуман, яшаш муҳити ва инсон психологиясининг хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда қурилиши кузатилади.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам шаҳарларни барқарор ривожлантиришга бир қанча экологик, ижтимоий, шаҳарсозлик, ва бошқарув соҳасидаги муаммолар тўсиқ бўлмоқда. Саноат корхоналари, йирик электр станциялари ва бошқа хўжалик обьектларининг асосий қисми шаҳарларда тўпланиши муносабати билан ҳозирги вақтда ўзига хос “шаҳар экологияси” юзага келмоқда. Бунда шаҳар нафақат атрофидаги худудларни экологик ифлослантирувчи манба “вазифаси”ни бажармоқда, балки айни вақтда унинг ўзи ҳам асосий “ўзини ўзи заҳарлаш” жабрини кўрмоқда.

Мамлакатимизда давлат экологик сиёсати мавжуд экологик вазият тўғрисида ишончли маълумотларга асосланган экологик дастурлар қабул қилиш, уларга киритилган чора-тадбирларни иқтисодий жиҳатдан пухта ишлаш, уларни моддий таъминлаш зарурати вужудга келмоқда.

Давлатнинг экологик сиёсати барқарор шаҳар ривожланишига эришиш учун самарали восита бўлиб, унда шаҳар аҳоли пунктларида қулай муҳитни таъминлаш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш шартлари ҳисобга олиниши керак. Шаҳарларда экологик бошқарув органларининг мақбул тизимини яратиш экологик сиёсатнинг ушбу йўналишини амалга оширишнинг зарур элементи ҳисобланади. Ҳозирги вақтда шаҳарларда атроф-муҳитни бошқариш кўп даражали хусусиятга эга. Шаҳарларда атроф-муҳитни бошқариш органларининг вазифалари худуднинг иқтисодий ривожланиши ва табиатининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланиши керак.

Фикримизча, шаҳарлардаги экологик сиёсат қуйидаги асосий принципларга асосланиши керак: шаҳар экологиясига салбий таъсирларнинг олдини олиш механизмларини ривожлантириш; шаҳарсозлик, иқтисодий ва хўжалик қарорларини қабул қилишда экологик масалаларнинг устуворлигини таъминлаш; шаҳар аҳолиси қонуний экологик манфаатларининг тадбиркорлик

манфаатларидан устунлиги; етказилган заарни қоплаш (ифлослантирувчи тўлайди); шаҳар маъмуриятининг шаҳар аҳолиси билан шаҳарнинг экологик муаммоларини ҳал этишда ўзаро ҳамкорлиги ва ҳ.к.

Экологик сиёсатни амалга ошириш учун шаҳар аҳоли пунктларидаги бошқарув органлари бажариши керак бўлган асосий вазифалар – бу режалаштириш ва прогноз қилиш, аниқ ва ҳаққоний ижро ҳужжатларини ишлаб чиқиш, мониторинг, ахборот таъминоти ва назоратидир.

Сўнгги пайтларда мамлакатимиз йирик шаҳарларининг яхлит архитектуравий композиция сифатидаги кўринишига путур етаётгани, шаҳарларни режалаштиришда унинг табиий, тарихан шаклланган морфологияси инобатга олинмаётганлигини кузатиш мумкин. Шу сабабли, аҳоли пунктларида худуднинг пухта ўйланмаган, идоравий ва хусусий қурилишига йўл қўймаслик, қурилиш ишларининг унинг ижтимоий аҳамиятли оқибатлари нуқтаи назаридан пухта ўйланган ҳолда амалга оширилишига эришиш зарур. Назаримизда, шу муносабат билан, шаҳарларда экологик экспертиза ўтказиш амалиётини кучайтириш ҳамда ижтимоий экспертиза ўтказишни йўлга қўйиш зарурати туғилмоқда (яни, қўзда тутилаётган қурилиш худудида тавсия этилаётган флора, фауна, сув ва атмосфера ҳавосининг сифати, маҳаллий аҳолининг касалликлари, уларнинг менталитети, турмуш тарзи ва услубини ўрганиш).

Шу билан бирга, шаҳар аҳоли пунктларининг экологик масалалари кўпинча идоравий ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари билан тартибга солиниб, уларда табиатдан фойдаланиш ва айрим табиий обьектларни муҳофаза қилишнинг алоҳида масалалари шаҳар аҳоли пунктлари атроф-муҳитининг хусусиятларини комплекс ҳисобга олмаган ҳолда тартибга солинган.

Шаҳар аҳоли пунктлари атроф-муҳитини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг вазифаларини тўғри тушуниш ва уларни самарали ҳал қилиш учун ушбу шаҳарни ташкил этувчи мезонлари, уларнинг атроф-муҳит ҳолатига хуқуқ воситалари билан таъсир этиш имкониятлари тўғрисида аниқ

тасаввурга эга бўлиш керак.

Техник жиҳатдан тартибга солиш ислоҳоти суст олиб борилаётганлиги ҳам мажбурий экологик талабларнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Хусусан, атроф-муҳитга етказилган заарни қоплаш учун самарали хуқуқий механизмлар мавжуд эмас. Шунингдек, пухта ўйланмаган қарорлар ва тартиботлар, шунингдек, экологик-хуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳаракатсизлиги, айниқса, аҳоли яшайдиган ҳудудларда экологик вазиятни янада оғирлаштиради. Хуқуқни қўллаш амалиёти шуни кўрсатадики, латентлик хусусиятига эга бўлгани ҳолда кўплаб экологик қонунбузарликлар жазосиз қолмоқда.

Хусусан, Президент фармони билан тасдиқланган 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясига кўра, дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесилишига мораторий жорий қилинганига қарамасдан, ўтган даврда 5 мингга яқин дарахтлар ноқонуний кесилганлиги ҳам сўзимизни тасдиқлади [7].

Таҳлилларга кўра 2021 йил бошидан дарахт ва буталарнинг ноқонуний кесилиши ва шикастлантирилиши билан боғлиқ ҳолатлар Қорақалпоғистон Республикасида 1065 тани, Самарқанд вилоятида 609, Қашқадарё вилоятида 534, Навоий вилоятида 349 тани ва Тошкент вилоятида 344 тани ташкил этиб, бу бошқа ҳудудларга нисбатан анча юқоридир. Оқибатда 2021 йилнинг 6 ойи давомида дарахт ва буталарнинг ноқонуний кесилиши билан боғлиқ 2 597 та хуқуқбузарлик содир этилиб, ўсимлик дунёсига 6,7 миллиард сўм зарар етказилган [2].

Бу ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 29 сентябрь қарорида аҳоли томонидан Давлат экология қўмитасининг Интернет тармоғидаги маҳсус ахборот тизимига юборилган экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги хуқуқбузарликлар хақидаги фотосуратлар ва видеоёзувлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги

кодексда белгиланган тартибда кўриб чиқилиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Бунда ҳукуқбузарлик холатлари тўғрисидаги фотосуратлар ва видеоёзувларни юборган шахслар ҳукуқбузардан ундирилган жарима миқдорининг 15 фоизи миқдоридаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади [1].

Эътиборли томони шундаки, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йилнинг 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатида Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2023 йилдаги устувор йўналишлари белгилаб берилиб, унда тўртинчи йўналиш сифатида, экология масалалари глобал муаммога айланиб бораётгани қайд этилди: “Биз нафақат бугунги, балки келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз шарт... Табиатимизни асраб-авайлаш, сув, ҳаво ва атроф-муҳитни тоза тутиш келгуси йилда ҳар бир маҳалла аҳолисининг маданияти ва амалий ҳаракатига айланиши керак. Бу борада мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун экология ва атроф-муҳитни асраш бўйича саъй-ҳаракатларимизни, хусусан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишларимизни кучайтирамиз” [8].

Шаҳар аҳоли пунктларидағи юзага келган ноқулай экологик вазият умуман мамлакат экологик муаммоларининг катта қисмини ташкил қиласи, чунки бу Ўзбекистон аҳолисининг кенг доирасига таъсир қиласи ва шаҳар аҳолисининг соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Бизнингча, шаҳарлар аҳолисининг ҳаёт сифатини, меҳнат шароитларини ва дам олишларини яхшилаш учун ушбу соҳада ҳуқуқий муҳофазани яхшилашнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш зарур. Бунда биринчи навбатда, жисмоний ва юридик шахсларнинг шаҳар аҳолиси экологик хавфсизлигини ва шаҳарларда қулай атроф-муҳитни таъминлаш соҳасидаги ҳаракатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ва қўллаш зарур. Фикримизча, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида “Шаҳар аҳоли пунктларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида” алоҳида қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Шаҳарларда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашнинг энг самарали чоралари давлат томонидан молиялаштириладиган турли хил экологик дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, экологик назоратнинг барча турларини самарали амалга ошириш, экологик текширувларни, экологик сугурта ва экологик сертификатлаштириш фаолиятини қонуний тартибга солиш, шунингдек, экологик экспертиза ва аудит механизмларидан унумли фойдаланиш ҳисобланади. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши шаҳар атроф-муҳитига антропоген таъсирни камайтиришга имкон беради.

Шаҳарлар аҳоли пунктларида атроф-муҳитни муҳофаза қилишининг муҳим йўналишларидан бири иқтисодий рағбатлантириш, хусусан, шаҳарларда атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тўловларни тартибга солиш ҳисобланади [4]. Ҳозирги вазият таҳлили шуни кўрсатадики, корхоналарнинг атроф-муҳитни ифлослантириши ва уни муҳофаза қилишга сармоя киритмаслиги уларга кўпроқ фойда келтиради. Атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тўловларнинг амалдаги меъёрлар миқдори етарлича эмас. Мавжуд тўловларни индексация қилиш инфляция даражасидан анча орқада қолиши натижасида улар атроф-муҳитни муҳофаза қилишни рағбатлантирувчи ролини йўқотмоқда. Шунинг учун шаҳарларда атроф-муҳит ифлосланиши учун тўловларни индексация қилишда жорий даврда инфляциянинг реал ўсишини ҳисобга олиш керак. Шу билан бирга ушбу маблағлардан фойдаланишнинг мақсадли хусусиятини таъминлаш мақсадида мазкур маблағларни шаҳарлардаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва тиклаш тадбирларига йўналтириладиган турли хил тўловлардан ажратмалар қилиш орқали мақсадли бюджет маблағлари тизимини яратиш лозим.

Сўнгги йилларда дунё миқёсида шаҳарларда экологик вазият жиддийлашмоқда, хусусан, шаҳарларнинг деярли барча табиий обьектлари (атмосфера ҳавоси, тупроқ, сув, ўсимлик, ҳайвонот олами) юқори антропоген таъсирга учрайди. Бунда ҳавонинг ифлосланиш даражаси ҳар бир шаҳарда жойлашган саноатнинг ўзига хос хусусиятларига боғлик [5].

Фикримизча, биринчи навбатда саноат корхоналари атрофида санитария-муҳофаза зоналари яратилиши туфайли шаҳар аҳоли пунктларида ҳаво муҳити ифлосланишининг заарли таъсирини камайтириш керак. Шу билан бирга, санитария-муҳофаза зонасини қисқартириш учун саноат обьекти раҳбарияти атмосферага, тупроққа, сув обьектларига чиқиндилар/оқова сувлар миқдорини камайтиришдан манфаатдор бўлади [6].

Шаҳарлардаги тупроқ қоплами ҳам жиддий таназзулга юз тутмоқда. Магистрал йўллар ва кварталлар остида тупроқ қатлами йўқ қилинади, дам олиш масканлари эса майший чиқиндилар, транспорт ва саноат корхоналари чиқиндилари билан ифлосланади. Шаҳар ерларини ҳимоя қилиш учун шаҳар жойларда, саноат майдонларида санитария қоидаларига риоя қилиш, шунингдек, саноат ва майший чиқиндиларни тўплаш ва йўқ қилиш масалаларини ечиш каби турли тадбирлар комплексини амалга ошириш зарур.

Шаҳарни ривожлантириш барқарорлиги сув таъминоти тизимларининг мавжудлиги, ҳаво сифати ва санитария-гигиена меъёрларини таъминлайдиган ва чиқиндиларни тозалаш ҳамда йўқ қилишни таъминлайдиган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инфратузилмасини яратиш билан боғлиқ бўлган кўплаб параметрлар билан аниқланади. Фойдаланувчиларнинг зич жойлашишини ҳисобга олган ҳолда, урбанизация ушбу жараён тўғри бошқарилганда муносиб нарх сиёсатига асосланган атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг барқарор инфратузилмасини яратиш, таълим дастурларини амалга ошириш ва иқтисодий ҳамда экологик нуқтаи назардан оқилона бўлиб ҳисобланган адолатли фойдаланиш механизmlарини яратиш учун ноёб имкониятларни очиб беради.

Шу билан бирга, аксарият ривожланаётган мамлакатлар учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги инфратузилманинг номуносиблиги ва мавжуд эмаслиги ҳар йили касалликларнинг юқори бўлишига ва олди олиниши мумкин бўлган кўп сонли ўлимларнинг сабаби бўлиб ҳисобланади. Ушбу мамлакатларда шароитлар муқаррар равишда ёмонлашади, чунки ўсиб бораётган эҳтиёжлар, ҳукумат томонидан чораларни кўриш имкониятидан

устундир.

Аҳоли пунктларида, хусусан, шаҳар ва қишлоқ камбағал аҳолисининг манфаатлари учун экологик жиҳатдан тоза инфратузилмани таъминлашга комплекс ёндашишни қўллаш барқарор ривожланиш учун ҳисса бўлиб, унинг асосида ҳаёт сифатини яхшилаш, унумдорликни ошириш, соғлиқни мустаҳкамлаш ва даволаниш ҳамда қашшоқликни тугатиш харажатлари юкини камайтиришни таъминлаш мумкин.

Комплекс ёндашувни қўллаш ёрдамида самарадорлигини ошириш мумкин бўлган тадбирларнинг аксарияти XXI аср кун тартибининг қуйидаги қисмларига киритилган – 6-боб (Инсон саломатлигини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш), 9-боб (Атмосферани ҳимоя қилиш), 18-боб (Чучук сув манбалари сифатини сақлаш ва у билан таъминлаш) ва 21-боб (Қаттиқ чиқиндиларни экологик жиҳатдан хавфсиз йўқотиш ва шунга боғлиқ масалалар).

XXI аср кун тартибига кўра, барча мамлакатлар аҳоли пунктлари инфратузилмасининг экологик мақбуллигини баҳолашлари, чиқиндиларни барқарор қайта ишлаш ва йўқотиш бўйича миллий масалаларни ишлаб чиқиши, атроф-муҳитни, инсон саломатлигини ва ҳаёт сифатини сақлаш учун экологик хавфсиз технологияларни жорий этишлари керак. Икки томонлама ва кўп томонлама муассасалар ёрдамида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инфратузилмасини (сув таъминоти, санитария, канализация, қаттиқ чиқиндиларни йўқотиш) ва уни бошқаришни режалаштириш, ривожлантириш, сақлашга комплекс ёндашишни тасдиқлашга кўмаклашишни мақсад қилиб олган аҳоли пунктлари инфратузилмаси ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастурларини мустаҳкамлаш керак. Ушбу соҳадаги муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш ва халқаро органлар, маҳаллий ҳокимият органлари, хусусий сектор ва жамоат гурухлари вакиллари билан ҳамкорликни кучайтириш зарур.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида инфратузилмани яратишида иштирок этадиган барча муассасаларнинг фаолияти, иложи борича аҳоли

пунктларига экотизимли ёки яхлит-худудий ёндашувни акс эттириши ва назорат, амалий тадқиқотлар, салоҳиятни ошириш, фаолиятнинг бир қатор дастур турлари учун тегишли технологияларни узатиш ва техник ҳамкорлик тадбирларини ўз ичига олиши керак.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ривожланаётган давлатлар миллий ва маҳаллий даражада сув ва энергия таъминоти, санитария-профилактика тадбирлари, канализация ва қаттиқ чиқиндиларни йўқотиш соҳаларида комплекс ёндашувни қўллашда ўзаро бир-бирларига ёрдам қўрсатишлари, ташқи молиявий муассасалар ушбу ёндашувни, хусусан, инфратузилмани яхшилаш фаолиятида ўз-ўзидан пайдо бўлган аҳоли пунктларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида хизматлар қўрсатиладиган жамоаларнинг яшаш шароити ва манбаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган меъёрлар ва стандартлар асосида қўлланилишини таъминлаши зарур. Мазкур чора-тадбирлар шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларини барқарор ривожлантириш йўлида қатор экологик муаммоларни ҳал этишга хизмат қиласди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маишӣ ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сон қарори // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.09.2020 й., 07/20/4845/1343-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарнинг кесилишига доир масала юзасидан ахбороти тўғрисида” 2021 йил 31 июлдаги СҚ-349-IV-сон қарори // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Гринин А.А. Вопросы правовой охраны природного комплекса столицы России // Государство и право. – 2001. – № 1. – С. 40.
4. Нурматов М.М. Ўзбекистон экологик сиёсатининг иқтисодий-хуқуқий

механизмини такомиллаштириш: Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент: ҲТИ, 2019. – 74 б.

5. Чолтян Л.Н. Некоторые вопросы правового регулирования охраны окружающей среды населенных пунктов // The Science theory and practice: materials of final international scientifically-practical conference (20.07 - 05.08 2005). – Prague, Czechia – Dnepropetrovsk, Ukraine – Belgorod, Russian. – Прага: Praha Publishing House, 2005. – Р. 55-57.

6. Чолтян Л.Н. Правовое обеспечение охраны окружающей среды в городских населенных пунктах: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2009. – С.10-11.

7. <https://president.uz/uz/lists/view/4556>. Дараҳтлар мухофазаси кучайтирилади, экология полицияси ташкил этилади

8. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>